

# **МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ РАДИОДАСТУРЛАРДА ЖАНРЛАР МОДИФИКАЦИЯСИ**

**Улжамол ХОННАЕВА**

ўқитувчи

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Ушбу мақолада маданий-маърифий радиодастурларда жанр модификацияси жараёни таҳлил этилган. Замонавий рақамли коммуникация муҳитида анъанавий радиожурналистика жанрларининг янгича қиёфада намоён бўлиши, хусусан, подкаст, ток-шоу ва мультимедиа интеграцияси каби шаклларда ривожланиши кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** радиожурналистика, маданий-маърифий дастурлар, жанр, модификация, подкаст, ток-шоу, мультимедиа, интеграция.

# **МОДИФИКАЦИЯ ЖАНРОВ В КУЛЬТУРНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ РАДИОПРОГРАММАХ**

**Улжамол ХОННАЕВА**

Преподаватель

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

## **Аннотация**

В этой статье анализируется процесс модификации жанров в культурно-просветительских радиопрограммах. Показано, как традиционные жанры радиожурналистики приобретают новый облик в современной цифровой коммуникационной среде, в частности, развиваются в таких формах, как подкасты, ток-шоу и мультимедийная интеграция.

**Ключевые слова:** радиожурналистика, культурно-просветительские программы, жанр, модификация, подкаст, ток-шоу, мультимедиа, интеграция.

Ҳозирги ахборотлар шиддати ошиб бораётган бир замонда оммавий ахборот воситаларининг барчаси янгиланиб бормокда. Айниқса, жанрларнинг ўзгариши, мадификация бўлиш ҳолати жуда кўп учрайди. Анъанавий радиожурналистика жанрлари – очерк, интервью, репортаж, радиоспектакль – маданий-маърифий дастурларда кўп қўлланилган. Уларнинг вазифаси миллий ва маънавий меросни кенг аудиторияга етказиш, ижтимоий онгни шакллантириш ҳисобланади. XX асрда жанрларнинг ўзаро

таъсири ва модификациясининг интенсив жараёни содир бўлди ва бу жараён ҳозиргача давом этмоқда [12].

Шу ўринда “модификация” атамасига таъриф бериб кетсак. *Модификация* (лотинча “modification” – ўзгариш), бирор нарсанинг ўзгариши, ўзгартириш, янги хоссаларнинг пайдо бўлиши, деган маънони англатади [7;828]. Демак, оммавий ахборот воситаларида жанр масаласида ўзгариш бўлиши табиий ҳол.

Филология фанлари доктори Х.Дўстмуҳаммедов: “Дунё ахборот ичида яшайди, дунё ахборот уммонида мавжуд. Дунё ахборотдан ташқарида мавжуд бўлолмайди, зеро, ахборотнинг борлиги – дунёнинг борлиги, ахборотнинг йўқлиги – дунёнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам йўқлиги демакдир”, – дея ахборотни фалсафий талқин этади [3;20].

Ахборотнинг инсон ҳаётидаги ўрнини профессор М.Худойқулов қуйидагича таърифлайди: “Инсон фаолиятида ахборот алмашинуви ғоят муҳим рол ўйнайди. У инсоннинг ташқи дунёни билиши, тажрибага эга бўлишидаги асосий воситадир. Инсон ер юзида пайдо бўлиб, онгли мавжудот сифатида яшай бошлаган пайтидан бошлаб доимий равишда уни билиш ва ундан фойдаланиш билан машғул бўлиб келади. Турган гапки, бунда ахборот алмашинуви асосий рол ўйнаган” [10;8].

Радиожурналистикада ҳар бир ахборот сўз, овоз, мусиқа ва интершовқинлар билан бойитилиб, аудиторияга етказилганда муваффақиятли чиқади. Шунинг учун ҳам радиоижодкор сўз масъулиятини теран ҳис қилиши, бадиий талқинда, ўхшатишлар билан мукаммал матн тайёрлаши талаб этилади. Радио бадиий публицистик жанрлари (лавҳа, эссе, очерк, фельетон, памфлет) қаторида сатирик жанрлар ҳам ривожланган. Масалан, “Табассум” радиожурнали, “Қармоқ” танқидий радиодастурида энг янги юморлар, сатирик асарлар эфирга узатилган. “Ёшлик” радиостанцияси ишга тушганда маҳоратли фельетончи Абдукарим Абдуазимов айрим хўжаликлардаги хато-камчиликлар ҳақида ҳажвий лавҳалар, фельетонлар тайёрлаган [1;132].

Таниқли ёзувчилар, сатирик ижодкорлар радиодастурлар тайёрлаб боришган. Бадиий ижоддан фарқли равишда радиодастур тайёрлаётганда бирор-бир воқелик диққат марказида бўлади. Бироқ унинг етказиш услубида, яъни ёндашувида сезиларли фарқ бор. Дастур тайёрлашда муаллифнинг маҳорати, бадиий матн ёзиш қобилияти ҳам эътиборга олинади. “Жанр” дейилганда, аввало, ижодкорнинг ҳаёт воқеа-ҳодисаларига муносабати, ўзига хос маънавий-руҳий имтиёзи, тасвир маҳорати назарда тутилади” [2;19].

Шу ўринда очерк жанрига эътиборимизни қаратамиз. Очерк – бадиий публицистиканинг кенг тарқалган, етакчи, асосий, бош жанри. Ушбу жанр ҳам бадиий, ҳам публицистик белги ва хусусиятларни ўзида жамлайди. Табиатга ҳам бадиий, ҳам публицистик белги, хусусиятлар хос бўлган икки жihatдан қаралади, баҳоланади. Бу гуё рассомликдаги эскиз (қоралама) яратишдек [4;369]. Бирор сурат яратишдан олдин рассомлар унинг хомаки вариантыни – эскизини чизиб оладилар. Очерк орқали эса публицист ижтимоий воқеликни чизиб кўрсатади. Филология фанлари доктори М.Худойқулов, филология фанлари номзодлари Б.Дўстқораев ҳамда А.Нурматовларнинг фикрича, “очерк” сўзининг пайдо бўлиши рус публицисти ва ёзувчиси М.Горкийга алоқадор. У “Очерк ҳикоя ва тадқиқот ўрталигидаги яқин жойда туради”, деган фикрни ўртага ташлаган. Хоҳ у ёзувчи бўлсин, хоҳ журналист қаламга олмоқчи бўлган воқелигининг дастлабки эскизини чизиб олса, мақсадга мувофиқдир [4;369].

Очеркка берилган илмий таърифлар турлича. “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида” “очерк – ҳаётий фактларнинг қисқача тасвиридан иборат кичикроқ бадиий асар”, – дейилади. Бу ўринда очерк таърифига адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашилган.

Очерк ўз шакли ва йўналтирилган мақсади ҳамда объекти нуқтаи назаридан турлича бўлиб, улар портрет, воқеа, муаммо, йўл, суд очерки ва бошқалардан иборатдир. Очеркнинг бу хилларига хос бўлган умумийлик – ҳаётни образ ва образлилик ёрдамида тасвирланиши бўлиб, фарқлари эса

мазкур тасвирнинг бирор жихатига кенгрок ўрин берилиши ҳисобланади [11;254].

Шўро даврида нашр этилган ўқув қўлланмаларида очерк жанрининг, одатда, портрет (сиймо), муаммоли, сафарнома (йўл очерки) турлари кўрсатилган [4;304].

“Портрет очерки, одатда, жамиятнинг етакчи соҳаларида – ижтимоий ҳаёт, халқ хўжалиги, фан-техника, адабиёт ва санъат соҳасида фаолият кўрсатиб, жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшаётган, меҳнатда юқори натижаларга эришаётган, янгиликлар, ихтиролар яратаётган кишилар – илғор ишчилар, деҳқонлар, олимлар, санъаткор ва бошқа касб эгаларига бағишланган бўлади” [10;255]. Жаҳон ва ўзбек журналистикасида портрет очеркига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу хилдаги очеркларнинг илдизи ёзма адабиётимизга бориб тақалади. Жумладан, Алишер Навоийнинг ўз сафдошлари ҳақида ёзган “Ҳолати Саид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад” каби тарихий-мемуар асарларида, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида портрет очеркка хос бўлган хусусиятлар – айрим одамларнинг ижтимоий-бадний қиёфалари яратилганлигини ҳам кўриш мумкин.

“Навоийнинг маноқиб-ҳолотларида ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам портрет очерк унсурлари мавжуд. “Ўзбек адабиётида А.Қодирий портрет очерк соҳасида самарали ижод қилган. Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва бошқалар ҳам мазкур жанрга оид қатор асарлар яратдилар. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг машҳур “Зайнаб ва Омон” поэмасига шоир олдинроқ ёзган Зайнаб Омонова ҳақидаги очерки асос бўлиб хизмат қилган эди [10;81].

Журналист Кумуш Пардаеванинг муаллифлигида тайёрланган “Одами эрсанг” номли дастур доирасида янграган очерк кўзи ожиз ёш мақом ижрочиси, тадқиқотчи Комилжон Саидовга муаллифнинг қалбдан муносабатига йўғрилган. Очерк бошланиши ноодатий. У кичик Комилжоннинг бобоси билан суҳбатидан бошланади, унда ўз овули, она

ерига муҳаббат тўғрисидаги ривоят янграйди. Ривоятдан кейин муаллиф ўз қаҳрамони ҳақида баёнга ўтади, болакайнинг кўзлари қай тариқа ожиз бўлиб қолгани, болалик ва ўсмирликда у қандай қийинчиликларни бошидан ўтказгани ҳақида сўзлайди. Бироқ журналист ҳиссиётга чуқурлашиб кетмайди, аудитория ҳиссиётларида ўйнашга ҳаракат қилмайди. Қаҳрамон тақдирига ҳамдардликни у қуйидаги сўзларда изҳор қилади:

*“ОВОЗ: Комилжон Саидов ҳаётда ўз олдига катта мақсадларни қўя олди. Изланишлар олиб борар экан ҳар доим: «мушкулликдан қўрқма, тушкунликдан қўрқ» шиорига амал қилиб келади”.*

Мазкур очерк миллий очерк мактабининг энг сара анъаналари асосида таёрланган. Бу ерда муаллифнинг ўз қаҳрамонида унинг бетакрорлигини акс эттирувчи жиҳатларни кўра олиш маҳорати яққол намоён бўлди. Радионинг барча ифода воситалари (нутқ, мусиқа, интершовқинлар), ҳар бир факт, ҳар бир деталь қаҳрамоннинг ички олами, унинг ҳаётга ижобий муносабатини очиб беришга хизмат қилади. Очерк муаллифининг сўнгсўзи, айниқса, эътиборга лойиқ:

*“ОВОЗ: Шухрат медали соҳиби Комилжон Саидовнинг яна бир орзуси иқтидорли кўзи ожиз талабалардан катта бир ансамбль ташкил этиши ва халқаро танловларда иштирок этиши. Орзулари юксак бу тенгдошимизнинг қилган эзгу ишлари ҳаммамиз учун урнатма бўлса арзийди”.*

Кўп аспекти, ахборий тўйинган, динамик замонавий радиоэшиттириш характери радиоочерк ва бошқа очерк дастурларининг нафақат мазмунан бойитилиши, балки янада мослашувчанлик, тузилмавий ўзгарувчанлигини талаб этади. Шу сабабли, радиоэшиттириш изланувчиси Климентина Исмаилова ўринли таъкидлаганидек, “...радиоочерк сўнгги йилларда йиғма характердаги радиолойиҳаларда – радиожурналлар ва ахборий-публицистик дастурларда тобора кенг қўлланилмоқда” [6;154]. Нафақат йиғма типдаги, хоҳ радиожурнал, радиокомпозиция ёки ахборий-публицистик дастур бўлсин, очерк ҳам муайян даражада дастур характериға таъсир кўрсатиб, “очерк дастур”нинг ўзига хослигини пайдо қилади.

*Радиокомпозиция* каби бадий эшиттиришнинг самарали шаклини ташкиллаштиришда ҳам Ўзбекистон радиожурналистларининг янгича ёндашувлари кўзга ташланмоқда. Россиялик олим В.Смирновнинг таърифига кўра, “радиокомпозиция асосини ҳужжатли ва бадий материалнинг уйғунлиги, мавзунини янада тўлиқ, ёрқин очиб бериш мақсадида унинг барча қисмларининг ўзаро бўйсунганлиги ташкил этади” [8;256]. “O‘zbekiston” канали, “O‘riat Dono” ва “O‘riat FM” радиостанцияларидаги радиокомпозицияларнинг тадқиқи шуни кўрсатдики, уларда ҳужжатли қисмлар кўпинча бадий юкка, бадийлари эса публицистик юкка эга.

Радио учун энг қулай очерк шакли – портрет очерки саналади. Саёҳатнома очеркларини яратиш бирмунча мураккаб. Шундай бўлсада, “O‘zbekiston” радиосида “Радиосаёҳат”, “Yoshlar” радиосида “Хуш келибсиз”, “Mahalla” каналида “Юртим манзиллари” номли саёҳатнома очерклари тайёрланмоқда. Аммо, портрет очерк жанрида тайёрланаётган дастурлар йўқ. Унинг ўрнини суҳбатга, мулоқотга, савол-жавобга асосланган дастурлар тўлдирмоқда. Масалан “Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл”, “Тенгдошим”, “Миллат ва маънавият” дастурларида суҳбат жараёнида дастур меҳмонининг болалиги, орзу-умидлари, бутунги кун ҳақидаги ўз қарашлари ҳам ифодаланади. Бошловчи суҳбат давомида бадий талқиндан ҳам фойдаланади. Бу ҳолат эса суҳбат жараёнида очерк жанрининг унсурларини ҳам ишлатилаётганини билдиради.

“Интернет бамисоли сел, тошқин, сунами сингари шиддат билан кириб келди ва ОАВ имкониятларини бениҳоя оширди” [9;25]. Интернет пайдо бўлиши билан ахборот тезлиги ошди. ОАВнинг барча тури унда бирлаша бошлади. Бундан бошқа илож ҳам йўқ эди. Чунки ҳар қандай ахборот манбаи аудиторияга янгилик етказишда биринчилар сафида бўлишни хоҳлайди. Эндиликда даврий нашрлар, телеканал кўрсатувлари, радиоэшиттиришларни “диологик жанрлар (интервью, суҳбат, дискуссия, долзарб мавзуда расмий муҳокама) сиз тасаввур қилиш қийинлашиб бормоқда” [5;25]

Жанр модификацияси – радиожурналистиканинг табиий ривожланиш йўли. Маданий-маърифий дастурларда бу жараён миллий қадриятларни сақлаб қолиш билан бирга, замон талабига жавоб бериш имконини яратади.

Келгусида маданий-маърифий радиодастурлар гибрид форматларда янада кенгайиши кутилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллахонов Ж. Ҳаёт абад васл айёмидир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
2. Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика: монография. – Тошкент: Тафаккур, 2020.
3. Дўстмуҳаммад, Хуршид. Ахборот – мўжиза, жозиба, фалсафа. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013.
4. Jurnalistika: Bosma ommaviy axborot vositalarida janrlar va mahorat masalalari. V jild. – Toshkent: O‘zbekiston, 2019. – 369 b.
5. Зиновев И.В. Диалогизм М.М.Бахтина и современная теория журналистики. – Россия: Уральский федеральный университет, 2012.
6. Исмаилова К.Ф. Проблемы трансформации очерковых передач на современном радио //International Scientific-Methodological Electronic Journal “Foreign Languages in Uzbekistan”, 2024, vol.10, No 5 (58). - P. 154// <https://journal.fledu.uz>
7. Популярный энциклопедический словарь. – Москва: Большая Российская энциклопедия, 2002.
8. Смирнов В. Жанры радиожурналистики. – Москва: Аспект-Пресс, 2002.
9. Умиров С. Интернет ва аудиовизуал журналистика: мақола, Интернет, радио ва телевидение илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2005.
10. Qozoqboyev T., Xudoyqulov M. Jurnalistikaga kirish. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2018.

11. Қулмуродова О. Телевидениеда диологик жанрларнинг замонавий модификацияси: филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа докторлиги диссертацияси. – Тошкент, 2023.